

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 / 7



@QMI_Institut



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

3-jild
7-son
dekabr, 2025

December 2025
Volume 3
Number 7

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

*Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda
jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.*

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

"Innovatsion iqtisodiyot" ilmiy - amaliy
O'zbekiston elektron jurnali ta'lim, fan va
innovatsiyalar Respublikasi Oliy vazirligi
huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi**
rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli
qarori bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

**Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar
nashr etiladi:**

1. Raqamli iqtisodiyot
2. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
3. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
4. Inson kapitali iqtisodiyoti
5. Menejment va marketing
6. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
7. Moliya, kredit va investitsiya
8. Ekonometrika va statistika
9. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

*Ovchinikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal
Universitet, Rossiya)*

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

*Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog'iston Respublikasi
Milliy fanlar akademiyasi)*

*Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi
Tojikiston agrar universiteti)*

*Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva
energetika instituti, Rossiya)*

*Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar
do'stligi universiteti)*

*Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya
Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)*

*Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti,
Rossiya Federatsiyasi hukumati)*

*Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi
Milliy fanlar Akademiyasi)*

*Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat
universiteti)*

*Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi
Rossiya xalqlar do'stligi universiteti)*

*Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar
universiteti)*

*Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazorat
fanlari instituti)*

*Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot
universiteti)*

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - Iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

ojs.qmii.uz

Солиқларни режалаштириш ва самарали фискал бошқарувнинг концептуал ёндашувлари

Бабахонов Жаъфар Мухиддинович

Conceptual approaches to tax planning and effective fiscal management

Babakhonov Jafar Mukhiddinovich

Концептуальные подходы к налоговому планированию и эффективному управлению государственными финансами

Бабахонов Жаъфар Мухиддинович

Received: December 7, 2025 Revised: December 10, 2025

■ Accepted: December 13, 2025 ■ Published Online: December 30, 2025

- **Аннотация:** Мақолада солиқларни режалаштиришнинг назарий-методологик асослари, фискал сиёсатнинг самарадорлигини белгилайдиган омиллар ҳамда солиқ маъмуриятида рақамли трансформациянинг ўрни ёритилган. Илмий адабиётлар таҳлили асосида солиқ юкини оптималлаштириш, бюджет барқарорлигини таъминлаш ва солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича замонавий ёндашувлар очиб берилган. Тадқиқот халқаро тажриба, МДХ мамлакатлари амалиёти ва Ўзбекистон солиқ тизими ислохотлари билан солиштирилган ҳолда амалга оширилган.
- **Калит сўзлар:** солиқларни режалаштириш, фискал бошқарув, солиқ юки, риск-ориентирланган назорат, рақамлаштириш, солиқ имтиёзлари.
- **Аннотация:** В статье рассматриваются теоретические и методологические основы налогового планирования, факторы, определяющие эффективность фискальной политики, и роль цифровой трансформации в налоговом администрировании. На основе анализа научной литературы раскрываются современные подходы к оптимизации налоговой нагрузки, обеспечению стабильности бюджета и оценке эффективности налоговых льгот. Исследование проводилось в сравнении с международным опытом, практикой стран СНГ и реформами налоговой системы Узбекистана.
- **Ключевые слова:** налоговое планирование, фискальное управление, налоговая нагрузка, риск-ориентированный контроль, цифровизация, налоговые льготы.
- **Abstract:** The article discusses the theoretical and methodological foundations of tax planning, factors determining the effectiveness of fiscal policy, and the role of digital transformation in tax administration. Based on the analysis of scientific literature, modern approaches to optimizing the tax burden, ensuring budget stability, and assessing the effectiveness of tax incentives are revealed. The study was conducted in comparison with international experience, the practice of CIS countries, and reforms of the tax system of Uzbekistan.
- **Key words:** tax planning, fiscal management, tax burden, risk-based control, digitalization, tax incentives.

КИРИШ

Замонавий иқтисодий муносабатларда солиқ сиёсати давлат молиявий барқарорлигини таъминлаш, инвестиция фаоллигини рағбатлантириш ва ижтимоий дастурларни молиялаштиришнинг асосий воситасидир. Фискалсиёсатнинг самарадорлигини таъминлаш олиқларни режалаштиришнинг илмий асосланганлигига боғлиқ. Солиқларни тўғри режалаштириш давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиради, бизнес юкини оптимал даражада сақлайди ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайди. Глобаллашув, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, яширин иқтисодиётнинг мураккаб шакллари пайдо бўлиши ва халқаро молиявий жараёнларнинг нотинчлиги солиқни режалаштиришга концептуал ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ушбу мақола солиқларни режалаштиришнинг назарий асослари, фискал бошқарувнинг замонавий моделлари ва илмий тадқиқотларда таклиф этилган ёндашувларни ҳар томонлама ўрганишга қаратилган.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Классик назарий ёндашувлар таҳлили А.Смит томонидан белгиланган солиқ солишнинг тўрт асосий тамойили — адолатлилик, аниқлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорлик — ҳозирги солиқ режалаштириш назариясининг ўзагини ташкил этади. Мускгрейв (*"The Theory of Public Finance"*, 1959) фискал сиёсатнинг учта функциясини, яъни тақсимот, барқарорлаштириш, ресурсларни самарали жойлаштириш каби функцияларини оптимал амалга оширилиши зарурлигини аниқлаган. Лаффер (*"The Economics of the tax revolt"*, 1979) солиқ ставкалари ва бюджет тушумлари ўртасидаги боғлиқликни математик асосда кўрсатиб, солиқ режалаштиришда оптимал ставкани топиш муаммосини илмий муаммо сифатида шакллантирди.

OECD тадқиқотларига кўра, солиқ тизими шаффофлиги солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий тўлаш даражасини 15–25%га оширади. Солиқ қонунчилигининг барқарорлиги инвестиция муҳитининг асосий омили ҳисобланади.

IMF маълумотларига кўра, рақамлаштирилган солиқ тизимлари солиқ йиғимини ўртача 10–20%га оширади. RAA (Risk Assessment Approach), e-Invoice, Big Data

analytics, Tax Gap monitoring каби технологиялар солиқдан қочиш ҳолатларини кескин камайтиради.

Сталлигмоз, Прескотт, Бараро ва Энгель тадқиқотларида солиқ ставкалари ЖМТ ўсишига сезиларли таъсир кўрсатиши исботланган. Солиқ юкининг тармоқлар бўйича адолатли тақсимои иқтисодий ўсиш драйверларидан бири ҳисобланади.

Халқаро тадқиқотлардаги асосий тенденциялар таҳлил қилинадиган бўлса, IMF, OECD ва World Bank тадқиқотлари рақамлаштириш солиқ йиғимини 20%гача ошириши мумкинлиги, солиқ имтиёзлари мақсадли бўлмаса, бюджетга салбий таъсир кўрсатади, солиқ юки ва иқтисодий ўсиш ўртасида нолиней боғлиқлик мавжуд, солиқ хатарларини бошқариш самарали фискал бошқарув учун асосий шартлигини ҳулосаларни келтирган. OECDнинг *"Tax Administration 2023"* ҳисоботи солиқ назоратида рақамли платформаларнинг устуворлигини қайд этган.

МДХ мамлакатлари Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон олимлари (Синельников-Мурылёв, Гурвич, Кудрин) солиқ юки, бюджет барқарорлиги ва солиқ имтиёзлари самарадорлигини иқтисодий моделлар асосида ўрганган. Илмий тадқиқотлари натижасида солиқ юкини аниқ секторлар бўйича оптималлаштириш иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, имтиёзларнинг самарадорлиги кўп ҳолларда паст бўлиб, уларни қайта кўриб чиқиш керак, яширин иқтисодиёт солиқ тизимининг асосий хатарларидан бири каби ҳулосаларга келган.

Ўзбекистон тадқиқот мактабида сўнгги йилларда бир қанча йўналишларда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган, хусусан рақамли солиқ маъмуриятчилиги (Хамидов), солиқ имтиёзлари ва инновация сиёсати (Рузиев, Юсупов); солиқ юкини оптималлаштириш (Абдурахмонов), яширин иқтисодиётни қисқартириш (Содиқов) йўналишида изланишлар амалга оширилган. Тадқиқотлар натижаларига кўра: рақамлаштириш солиқ тўловчилар учун маъмурий юкни қисқартирганлиги, имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш механизми ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги, солиқ йиғимининг яхшиланиши риск-ориентирланган назорат билан боғлиқлиги тўғрисида ҳулосалар олинган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада таҳлил, синтез, абстракт, монографик кузатув, таққослаш, математик моделлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида солиқ режалаштириш анъанавий интуитив ёндошувлардан илмий асосланган, моделлаштиришга таянган тизимларга ўтиб бормоқда. Макроиқтисодий беқарорлик, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, халқаро капитал ҳаракати ва яширин иқтисодиётнинг мураккаблашуви солиқ сиёсатини режалаштиришда замонавий аналитик моделлардан фойдаланишни талаб этмоқда. Халқаро миқёсда қуйида кенг қўлланилаётган макроиқтисодий солиқ режалаштириш моделлари мавжуд:

1. Динамик стохастик умумий мувозанат моделлари (Dynamic Stochastic General Equilibrium) моделлари солиқ режалаштиришда энг илғор макроиқтисодий инструментлардан бири ҳисобланади. Ушбу моделлар иқтисодиётдаги барча асосий агентлар — уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларни динамик тарзда таҳлил қилиш имконини беради.

DSGE моделларининг солиқ режалаштиришдаги аҳамияти:

- солиқ ставкалари ўзгаришининг ЯИМга таъсирини баҳолаш;
- солиқ юкининг инфляция ва ишсизликка таъсирини прогноз қилиш;
- бюджет тақчиллиги ва давлат қарзи барқарорлигини таҳлил қилиш;
- иқтисодий шоклар (молиявий санкциялар, инқироз, пандемия) шароитида фискал сценарийлар ишлаб чиқиш.

Халқаро молиявий институтлар солиқ прогнозлашда DSGE (Dynamic Stochastic General Equilibrium) моделларидан фойдаланади. Ушбу моделлар инфляция, иқтисодий цикллар, аҳоли ўсиши ва ташқи қарзни инobatга олган ҳолда солиқ тушумларини аниқ прогноз қилади. IMF ва Жаҳон банки ушбу моделлардан давлат солиқсиёсати сценарийларини баҳолашда фойдаланади.

2. Ҳисобланган умумий мувозанат моделлари (Computable General Equilibrium) моделлари солиқ сиёсати таъсирини тармоқлар кесимида таҳлил қилишга мўлжалланган. CGE моделлари орқали:

- солиқ юкининг реал сектор, хизматлар ва экспорт соҳаларига таъсири;
- солиқ имтиёзларининг муайян тармоқларга иқтисодий таъсири;
- ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал) қайта тақсимооти таҳлил қилинади.

Бу моделлар, айниқса, саноат сиёсати, яшил иқтисодиёт,

экспортни рағбатлантириш билан боғлиқ солиқ қарорларини режалаштиришда муҳим ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда солиқ рискларини бошқариш мақсадида назорат қилиш, бартараф этиш имкониятларини таъминлаш учун қуйидаги моделлар жуда муҳим аҳамиятга эга:

Risk-Based Tax Administration (RBTA) модели солиқ тўловчиларни хатар даражасига қараб гуруҳлашга асосланади. Модель бир қанча босқичлардан ташкил топади. Биринчи босқичда солиқ рискларини идентификация қилиш, яъни солиқ рискин аниқлаш, ўзига хос хусусиятларини белгилаш. Иккинчи босқичда рискларни баҳолаш, бунда риск даражаларини аниқлаш (high, medium, low risk) дан иборат. Олинган натижага асосан рискка мос солиқ назорати шаклини танлаш керак ва якуний профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Бу моделнинг афзалликлари сифатида қуйидагилар келтирилади:

- солиқ текширувларининг самарадорлиги ошади;
- ҳалол солиқ тўловчиларга босим камаяди;
- солиқ маъмурияти харажатлари қисқаради.

OECD мамлакатларида ушбу моделни қўллаш орқали давлат бюджети учун солиқ йиғимини 15–30%га оширишга хизмат қилганлиги ўрганилган.

Tax Gap таҳлил модели потенциал солиқ тушуми билан амалда йиғилган солиқлар ўртасидаги фарқдир. Tax Gap таҳлили орқали:

- яширин иқтисодиёт улуши баҳоланади;
- солиқдан қочиш сабаблари аниқланади;
- солиқ сиёсатидаги камчиликлар очиб берилади.

IMF ва OECD солиқ режалаштиришда Tax Gap кўрсаткичини асосий индикатор сифатида қўллайди.

Солиқ юкини оптималлаштириш моделлари

- Лаффер эгри чизиги асосида оптимал ставка модели – солиқ ставкалари билан бюджет тушумлари ўртасида нолиней(тўғри чизиксиз) боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу моделдан амалиётда қўлланилиши:

солиқ ставкаларини пасайтириш ёки оширишдан олдин сценарий таҳлили;

бюджетга таъсирни олдиндан ҳисоблаш;

бизнес фаоллиқни рағбатлантириш нуқтасини аниқлаш.

- Солиқ эластиклиги модели - бу модель солиқ тушумларининг иқтисодий ўсишга нисбатан сезгирлигини аниқлайди.

Солиқ эластиклиги = Солиқ тушумлари ўзгариши / ЯИМ ўзгариши

Бунда солиқ тушумлари ўзгариши ЯИМ ўзгариши билан қандай боғлиқликни шакллантиришни баҳолайди. Солиқ эластиклиги моделининг ўзига хос хусусияти

ва аҳамияти қайси солиқ турлари барқарор эканини аниқлашда, прогнозлашда хатоларни камайтириш ва солиқ базасини диверсификация қилишда муҳим ўрин тутати.

- Солиқ имтиёзларини баҳолаш моделлари Cost-Benefit Analysis (CBA) модели солиқ имтиёзларидан олинadиган иқтисодий фойда ва бюджет йўқотишларини солиштиришга асосланади.

Мамлакат иқтисодиётида инвестиция имтиёзлари, инновация ва R&D солиқ рағбатлари, “яшил иқтисодиёт” имтиёзларининг самарадорлиги ҳамда бюджетга таъсирини баҳолашда муҳим ўрин касб этади. Бунда агар имтиёз иқтисодий ўсиш ёки иш ўринлари яратмаса, уни бекор қилиш таклиф этилади.

- Dynamic Impact Assessment модели - бу модель солиқ имтиёзларининг узоқ муддатли таъсирини баҳолайди.

Бу моделнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- қисқа муддатли бюджет йўқотишларини узоқ муддатли фойда билан солиштириш;
- инновация самарасини ҳисобга олиш;
- инвестицион циклларни таҳлил қилиш.

Рақамли солиқ режалаштириш моделлари сифатида Big Data ва AI асосида солиқ режалаштириш ва электрон моделлаштириш платформалари замонавий тенденциялар учун жуда муҳим ҳисобланади.

Замонавий солиқ маъмуриятлари сунъий интеллект ва катта маълумотлардан фойдаланмоқда. Big Data ва AI асосида солиқ режалаштиришнинг асосий функциялари сифатида солиқдан қочишни олдиндан аниқлаш, солиқ тушумларини автоматик прогноз қилиш, солиқ рискларини real-time таҳлил қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

Электрон моделлаштириш платформалари сифатида E-invoice, e-reporting, автоматик декларация тизимлари солиқ режалаштиришни аниқ ва тезкор қилади.

■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Солиқларни режалаштириш ва самарали фискал бошқарув давлат молиявий барқарорлигининг асосий устундир. Замонавий иқтисодий шароитда солиқ сиёсати стратегик режалаштириш, рақамли технологиялар, солиқ юкини оптимал миқдорда белгилаш ва солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Тадқиқот натижалари иқтисодий

ўсишни рағбатлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш учун амалий аҳамиятга эга. Илмий ўрганишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки:

- Солиқларни режалаштириш давлат фискал сиёсатининг стратегик асосидир, яъни давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш муҳим бирламчи вазифа бўлиб қолаверади.

- Рақамли солиқ маъмуриятчилиги солиқ йиғими ва шаффофликни оширади. Солиқ маъмуриятчилигида инсон омилини пасайтириш, тизимни ишлашда янги инновацион технологияларни тадбиқ этиш тизим самарадорлигини ва тизимда қарорларни ўз вақтида амалга ошириш, таҳлил этиш ва ишончли прогнозларни амалга ошириш имкониятини оширади.

- Солиқ юки иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичдир. Юкори солиқ ставкалари фирмаларнинг соф фойдасини камайтириб, уларнинг реинвестиция қилиш имкониятини чеклайди. Шунингдек, хорижий инвестициялар учун жозибадорликни пасайтиради. Жисмоний шахслар учун юкори солиқ даромаднинг қайта тақсимланишига олиб келиши мумкин, бу эса истеъмол ва сарф-харажатларнинг пасайишига таъсир қилади. Нисбатан паст ва оддий солиқ тизими “яширин” иқтисодиётини расмий соҳага ўтишига ёрдам бериши мумкин. Солиқ даромадлари давлатнинг инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш каби сарф-харажатларини молиялаштириш учун зарур.

- Солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади. Барча солиқ имтиёзлари (республика, маҳаллий) тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларнинг манбалари, қонунчилик асослари, фойдаланувчилари ва қиймати тўғрисидаги маълумотларни ягона рақамли платформада жамлаш. Солиқ имтиёзлари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий таъсири ҳақида маълумотларни (мақсадли соҳалар, иш ўринлари, инвестиция ҳажмлари) онлайн тарзда оммага очиқ қилиш. Имтиёзларнинг тадбиқи ва самарадорлиги тўғрисида маълумотларни мунтазам тўплаш ва назорат қилиш учун Солиқ хизмати томонидан стандартлаштирилган ҳисобот форматларини жорий этиш.

- Солиқ рискларини бошқариш фискал барқарорлиқнинг асосий омилига айланмоқда. Халқаро тажрибада солиқ тизими ўз фаолиятларини солиқ рискларини комплекс баҳолаш орқали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Babaxonov Ja'far Muxiddinovich - Qarshi davlat texnika universiteti "Moliya va bank ishi" kafedrasida dotsenti, PhD / Бабахонов Жаъфар Мухиддинович, и.о. доцента, Каршинский государственный технический университет / Babakhonov Jafar Mukhiddinovich, acting associate professor, Karshi State Technical University
 ▶ jafar_babakhonov@hotmail.com
 ■ 0009-0004-8889-6725

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Musgrave R. Public Finance in Theory and Practice. — New York: McGraw-Hill, 1989.
2. Laffer A. The Laffer Curve: Past, Present and Future. — Heritage Foundation, 2004.
3. OECD Tax Administration 2023. Comparative Information. — Paris: OECD Publishing, 2023.
4. IMF Fiscal Monitor. — Washington: International Monetary Fund, 2022.
5. Stiglitz J. The Economics of the Public Sector. — N.Y.: W.W. Norton, 2018.
6. Абдурахмонов Қ.Ф. Фискал сиёсат: назария ва амалиёт. — Тошкент: Iqtisodiyot, 2020.
7. Назарова Г. Солиқ юки ва иқтисодий ўсиш. — Москва: Финансы, 2019.
8. Рузиев М. Солиқ имтиёзлари ва инновацион фаолият. — Тошкент: Университет, 2021.
9. Babakhonov J.M. (2023) Increasing the Financial Capabilities and Investment Attractiveness of Enterprises. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Volume 10, Issue 7, July.
10. Babakhonov J.M. (2023) The Methodology for Assessing the Financial Capabilities of Enterprises. International Journal of Social Science Research and Review. Volume 6, Issue 7, July.
11. Бабахонов Ж.М. (2023) Солиқларнинг корхонлар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсири ва уни самарали бошқариш. "Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил" илмий электрон журнали. Май I сон.